

# SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ 1 (3) 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

---

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

---

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES



ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**№ 1 (3)-2023**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL  
SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулкиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

**Юлдашев Анвар Эргашевич** – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Мавланов Уктам Махмасабирович** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Хазраткулов Абдор** – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### **ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

**Ҳакимов Назар Ҳакимович** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

**Яхшиликков Жўрабой** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

**Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

**Ҳошимхонов Мўмин** – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

**Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна** – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### **ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Аҳмедов Ойбек Сапорбаевич** – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

**Кўчимов Шухрат Норқизилович** – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

**Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна** – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

**Кучкаров Раҳман Урманович** – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

**Юнусов Мансур Абдуллаевич** – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Саидов Улугбек Арипович** – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### **ЮРИДИК ФАНЛАР:**

**Аҳмедшаева Мавлюда Ахатовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Эсанова Замира Нормуратовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

**Зулфиқоров Шерзод Хуррамович** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

**Хайитов Хушвақт Сапарбаевич** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Асадов Шавкат Ғайбуллаевич** – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Сайдуллаев Шахзод Алиханович** – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети.

### **ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

**Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна** – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Ибрагимова Гулнора Хавазматовна** – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

**Закирова Феруза Махмудовна** – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги

педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;  
**Тайланова Шохид Зайниевна** – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### **ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Каримова Васида Маманосировна** – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

**Ҳайитов Ойбек Эшбоевич** – психология фанлари доктори (DSc), доцент. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Умарова Навбахор Шокировна** – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

**Атабаева Наргис Батировна** – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

**Қодиров Обид Сафарович** – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### **СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Латипова Нодира Мухтаржановна** – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

**Сеитов Азамат Пўлатович** – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

**Содиқова Шохида Мархабоевна** – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### **СИЁСИЙ ФАНЛАР**

**Назаров Насриддин Атақулович** – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

**Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич** – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

#### **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

#### **Crossref DOI:**

Тахририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилди.

#### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**“Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

#### **Тахририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй.

#### **Электрон манзил:**

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

## МУНДАРИЖА

### ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

*Шаисламова Наргиза Кабиловна*

КОРХОНАНИНГ КРЕДИТГА ЛАЁҚАТЛИЛИГИНИ БАҲОЛАШ РИСК  
ДАРАЖАСИНИ ПАСАЙТИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА ..... 7-20

*Mavrulova Nilufar Abduxalilovna*

TIBBIY SUG'URTA: AMALDAGI TURLARINI RIVOJLANTIRISH VA MAJBURIY  
TURINI JORIY ETISH IMKONIYATLARI ..... 21-29

### ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

*Маматкулов Давлатжон Махаматжонович*

ИСЛОМ ҒОЯЛАРИНИ ЎРТА ОСИЁГА КИРИБ КЕЛИШ ТАРИХИ ВА УЛАРНИНГ  
МАФКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ ..... 30-36

*Umarjonov Sohibjon Soyibjon o'g'li*

IBN SINONING "ISHORALAR VA TANBEHLAR" ASARI VA POSTKLASSIK ISLOM  
FALSAFASINING BOSHLANISHI ..... 37-50

### ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

*Ahmedov Oybek, Tilavova Malika*

SEMANTIC STRUCTURE OF WORDS RELATED TO EDUCATION IN  
ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES ..... 51-62

*Ашурова Ситора Эркиновна*

ВАЖНОСТЬ КОМПЬЮТЕРОВ В ПРОЦЕССЕ ИЗУЧЕНИЯ ЯЗЫКОВ ..... 63-69

### ЮРИДИК ФАНЛАР

*Абдуллаева Мафтуна Мурот кизи*

СУДНИНГ ҲУҚУҚНИ ШАРҲЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ  
НАЗОРАТ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА ..... 70-77

*Авезова Элеонора Парахатовна*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИГА ҚАБУЛ  
ҚИЛИШНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ ..... 78-86

*Ахмедова Шахноза Озоджоновна*

СООТНОШЕНИЕ ОЦЕНКИ ВОЗДЕЙСТВИЯ НА ОКРУЖАЮЩУЮ СРЕДУ И  
ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ ..... 87-95

### ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

*Tashpulatov Farxad Alisherovich*

GANDBOLCHILAR O'YIN FAOLIYATI SAMARADORLIGINI HAR TOMONLAMA  
BAHOLASH METODIKASI ..... 96-104

<i>Парманов Абулқосим, Абдурашидова Мавжуда</i> ЎҚУВЧИЛАРДА ТЕСКАРИ ФУНКЦИЯ ТУШУНЧАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛИ ҲАҚИДА .....	105-110
<i>Hamrayeva Zuhro Bahodirovna</i> BOLALARNI GO'DAKLIK DAVRIDAN SUZISHGA O'RGATISH ORQALI JISMONIY RIVOJLANISHINI TAKOMILLASHTIRISH .....	111-119
<i>Тўрабоева Мадинахон Рахмонжон қизи</i> ТАЛАБАЛАРНИНГ ШАХСИЙ-КРЕАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЎҚУВ ЛОЙИҲАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ .....	120-126
<i>Абдурахмонова Сайёрахон Шахобидиновна</i> АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВ – БЎЛҒУСИ ТАРБИЯЧИЛАРИДА КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИ СИФАТИДА .....	127-135
<i>Shermatov Gulom Kaxxorovich</i> “5-1” НИМОҲАСИНИ БАЖАРИШДА ГАНДБОЛ О'ЙИНЧИЛАРИНИНГ ТАКТИК О'ЗARO TA'SIRI .....	136-143

*Педагогика фанлари***Парманов Абулқосим Абдурашидович**  
Ўзбекистон Миллий университетининг  
Жиззах филиали, PhD.**Абдурашидова Мавжуда Абулқосим қизи**  
Жиззах политехника институти қошидаги академик  
лицей**ЎҚУВЧИЛАРДА ТЕСКАРИ ФУНКЦИЯ ТУШУНЧАСИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛИ ҲАҚИДА**<https://doi.org/10.47390/1342V311Y2023N11>

**Аннотация.** Ушбу мақолада мактаб ўқувчилари томонидан тескари функцияни топишда йўл қўйиладиган камчиликларни тескари функциянинг мавжудлик шarti ёрдамида бартараф этиш усуллари ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** функция, тескари функция, тескари функциянинг мавжудлик шarti.

**Парманов Абулқосим Абдурашидович**  
Джиззакский филиал Национального университета  
Узбекистана имени Мирзо Улугбека, PhD**Абдурашидова Мавжуда Абулқосим қизи**  
Академический лицей при Джиззакском  
политехническом институте**О МЕТОДЕ ФОРМИРОВАНИЯ У УЧЕНИКОВ  
ПОНЯТИЯ ОБРАТНОЙ ФУНКЦИИ**

**Аннотация:** в данной статье раскрыты методы использования условия существования обратной функции для устранения недостатков, допускаемых учениками при нахождении обратной функции.

**Ключевые слова:** функция, обратная функция, условие существования обратной функции

**Parmanov Abdulkosim Abdurashidovich**  
Jizzakh Branch of National University of Uzbekistan  
named after Mirzo Ulugbek, PhD

**Abdurashidova Mavjuda Abulqosim kizi**  
Academic Lyceum under  
Jizzakh Polytechnic Insitute

## ABOUT THE METHOD OF FORMING THE CONCEPT OF THE INVERSE FUNCTION ON STUDENTS

**Annotation.** This article covers methods for eliminating the disadvantages that are allowed by schoolchildren in finding the inverse function using the condition of the existence of the inverse function.

**Keywords:** function, inverse function, condition of existence of the inverse function.

**Таъриф:** Иккита бўш бўлмаган  $X$  ва  $Y$  тўпламлар берилган бўлсин. Агар  $X$  тўпламнинг ҳар бир  $x$  элементи учун  $f$  коида ёки қонуният билан  $Y$  тўпламнинг ягона  $y$  элементи мос қўйилса,  $f$  коида ёки қонуниятга функция дейилади ва  $y = f(x)$ ,  $f: X \rightarrow Y$ ,  $X \xrightarrow{f} Y$  каби кўринишида белгиланади [1].

Бизга  $f: X \rightarrow Y$  ва  $g: Y \rightarrow X$  функциялар берилган бўлсин.

**Таъриф:** Агар  $f(g(x)) = g(f(x)) = x$  ўринли бўлса,  $g(x)$  функцияга  $f(x)$  функцияга тескари функция дейилади ва  $g(x) = f^{-1}(x)$  каби белгиланади.

Тескари функциянинг таърифидан кўриниб турибдики, берилган функцияга тескари функция ҳар доим ҳам мавжуд бўлавермайди. Биз ушбу мақолада мактаб ўқувчиларининг тескари функцияни топишда йўл қўйиладиган камчиликларини бартараф этишга эътибор қаратамиз.

Ўқувчилар берилган функцияга тескари функциянинг бирор нуқтадаги қийматини топиш учун ўқувчилар дастлаб берилган функцияга тескари функцияни топиб, сўнгра унинг шу нуқтадаги қийматини топишлар анча вақтни талаб қилади. Ўқувчиларга тескари функцияни топиш масаласи қўйилса, одатда улар тезда берилган аналитик ифодадан  $x$  ни топишга ва топилган ифодадан  $x$  ва  $y$  ўзгарувчиларнинг ўринларини алмаштиришга киришиб, тескари функциянинг мавжудлиги шартига ва унинг графигига кам эътиборини қаратишади. Берилган функцияга тескари функциянинг мавжудлиги шартини пухта ўзлаштирмаган ўқувчи тескари функция ҳақида тасаввур яхши шаклланмайди.

Бизга маълумки, берилган функция бирор  $[a; b]$  ораликда бир қийматли акслантириш бўлса, у ҳолда берилган ораликда функция тескариланувчи бўлади.



Дастлаб ўқувчиларда берилган  $[a; b]$  ораликда бир қийматли функция ҳақида тасаввурни шакллантирамиз.  $f: X \rightarrow Y$  функцияда  $x \in X$  га мос келувчи  $y \in Y$  элементга  $x$  элементнинг образи,  $x$  элементга эса  $y$  элементнинг прообрази (асли) дейилади [2]. Бирор  $[a; b]$  ораликда  $y = f(x)$  функциянинг ҳар бир  $x \in X$  элемент ягона образига ва ҳар бир  $y \in Y$  элемент ягона прообразига эга бўлса, у ҳолда  $y = f(x)$  функцияни бир қийматли функция деймиз. Агар  $y = f(x)$  функция  $[a; b]$  ораликда бир қийматли бўлса, у ҳолда берилган функция шу ораликда тескариланувчан дейилади (Тескари функциянинг мавжудлик шarti).

Бир қийматли ва тескари функция тушунчаларини ўрганиш учун қуйидаги тестлардан фойдаланамиз.

1. Қуйидагилардан қайси бири  $R$  да бир қийматли функция бўлади?

А)  $f(x) = x^2 - 1$    В)  $f(x) = -7$    С)  $f(x) = x^3 + 1$    Д)  $f(x) = \operatorname{tg} x$

**Ечилиш:** Берилган тест топшириғининг ҳар бир жавобини бир қийматли ёки бир қийматли эмаслигини текширамиз.

$f(x) = x^2 - 1$  функциянинг графигини қараймиз (1-расм). Бу функция  $R$  да бир қийматли эмас, чунки  $x \in R$  нинг турли қийматларига битта  $y \in R$  қиймат мос келади (ягона прообразга эга эмас), яъни  $(-2)^2 - 1 = 2^2 - 1$ , аммо  $-2 \neq 2$ .


$f(x) = -7$  функциянинг графигини қараймиз (1-расм). Бу функция  $R$  да бир қийматли бўлмайди, чунки  $x \in R$  нинг барча қийматларига битта  $y = -7$  қиймат мос келади (ягона прообразга эга эмас).

$f(x) = x^3 + 1$  функциянинг графигини қараймиз (3-расм). Бу функция  $R$  да бир қийматли бўлади, чунки бу функцияда функциянинг ҳар бир  $x \in R$  элемент ягона образига ва ҳар бир  $y \in R$  элемент ягона прообразига эга бўлади.


$f(x) = \operatorname{tg} x$  функциянинг графигини қараймиз (4-расм). Бу функция  $R$  да бир қийматли бўлмайди, чунки бу функция  $x \in R$  нинг турли қийматларига битта  $y \in R$  қиймат мос келади (ягона прообразга эга эмас), яъни

$$\operatorname{tg} x = \operatorname{tg}(x + \pi k), k \in Z.$$


$x = \frac{\pi}{2} + \pi k, k \in Z$  да образга эга эмас. Демак,  $f(x) = \operatorname{tg} x$  функция  $R$  да бир қийматли эмас.




1-расм



2-расм



3-расм



4-расм

Тўғри жавоб С.

Юқорида айтиб ўтганимиздек бирор ораликда функция бир қийматли бўлади.  $f(x) = x^2 - 1$  функция  $x \in (-\infty; 0]$  ва  $x \in [0; \infty)$  оралиқларда бир қийматли, шунинг учун берилган функцияга тескари функция мос равишда  $f^{-1}(x) = -\sqrt{x+1}$  ва  $f^{-1}(x) = \sqrt{x+1}$  кўринишида бўлади.  $f(x) = -7$  функцияга тескари функция мавжуд эмас, чунки унинг бир қийматли оралиғи мавжуд эмас.  $R$  да  $f(x) = x^3 + 1$  функция бир қийматли бўлганлиги учун унга тескари функция  $f^{-1}(x) = \sqrt[3]{x-1}$  бўлади.  $f(x) = \operatorname{tg} x$  функция  $(-\frac{\pi}{2} + \pi k; \frac{\pi}{2} + \pi k), k \in Z$  ораликда бир қийматли бўлганлиги учун, унинг  $(-\frac{\pi}{2}; \frac{\pi}{2})$  ораликдаги тескари функцияси  $y = \operatorname{arctg} x$  бўлади.

2. Агар  $f\left(\frac{x+3}{2x-3}\right) = x^2 - 2x - 3$  бўлса,  $f^{-1}(-3) + f^{-1}(0)$  нинг қийматини топинг.

- A)  $-1$  B)  $-\frac{7}{5}$  C)  $7$  D)  $-\frac{7}{5}$  ва  $7$

**Ечиш.**  $f\left(\frac{x+3}{2x-3}\right) = x^2 - 2x - 3$  функцияда номаълум  $x$  ни топиш,  $x$  ва  $y$  нинг ўринларини алмаштириб тескари функцияни топиш анча мураккаб жараён. Иккинчидан ўнг томондаги  $y_1 = x^2 - 2x - 3$  функция бир қийматли эмас, шунинг учун  $R$  да ҳар доим тескари функция мавжуд эмас (5-расмга қаранг). Тескари функция таърифи ва тескари функциянинг мавжудлик шартларидан фойдаланиб керакли натижани оламиз.  $y_1 = x^2 - 2x - 3$  функция  $(-\infty; 1]$  ва  $[1; \infty)$  ораликда бир қийматли функция ва берилган ораликда тескариланувчи.

Тескари функция таърифидан фойдаланиб,  $x^2 - 2x - 3 = -3$  ва  $x^2 - 2x - 3 = 0$  тенгламаларнинг ечимларини

$x_1 = 0, x_2 = 2, x_3 = -1, x_4 = 3$  аниқлаймиз. Бу ечимлар орасидан

- 1)  $(-\infty; 1]$  ораликда  $-3$  га тенг ечим  $0$  ва  $0$  га тенг ечим  $-1$ ,
- 2)  $[1; \infty)$  ораликда  $-3$  га тенг ечим  $2$  ва  $0$  га тенг ечим  $3$  ларни аниқлаймиз.

Тескари функция таърифидан,


$$1) x \in (-\infty; 1] \text{ ораликда } f^{-1}(-3) + f^{-1}(0) = \frac{0+3}{2 \cdot 0 - 3} + \frac{-1+3}{2 \cdot (-1) - 3} = -\frac{7}{5}$$

$$2) x \in [1; \infty) \text{ ораликда } f^{-1}(-3) + f^{-1}(0) = \frac{2+3}{2 \cdot 2 - 3} + \frac{3+3}{2 \cdot 3 - 3} = 7.$$

Тўғри жавоб D.


3.  $f(g^{-1}(3))$  ни топинг (6-расмга қаранг).

- A)  $7$  B)  $-2$  C)  $5$  D)  $6$



5-расм

**Ечиш.** 6-расмдан  $g(x)$  функциянинг  $[0; 5]$  интервалда бир қийматли эканлигини аниқлаш мумкин, демак бу интервалда  $g(x)$  функция тескариланувчи. Тескари функция таърифидан  $g^{-1}(3) = 2$  эканлигини аниқлаймиз. У ҳолда  $f(g^{-1}(3)) = f(2) = 7$  га тенг. Тўғри жавоб А.



6-расм

Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, берилган функцияга тескари функцияни топмасдан ҳам керакли натижаларни тескари функция таърифи ва тескари функциянинг мавжудлик шартидан фойдаланиб аниқлаш вақтдан унумли фойдаланиш ва ортиқча меҳнат талаб қилмайди. Ўқувчилар биз тавсия қилган усулдан фойдаланилса тескари функция тушунчасини чуқур ва пухта ўрганишига хизмат қилади.

### Адабиётлар/Литература/References:

1. Абдухамидов А.У., Насимов Ҳ.А., Носиров У.М., Ҳусанов Ж.Ҳ. Алгебра ва математик анализ асослари. 1-қисм. –Тошкент: Ўқитувчи. 2008 йил.
2. Назаров Р.Н., Тошпўлатов Б.Т., Дўсумбетов А.Д. Алгебра ва сонлар назарияси. 1-қисм. –Тошкент: Ўқитувчи. 1993 йил.
3. Парманов А.А. Академик лицей, касб-хунар коллежларида алгебра ва анализ асосларига оид тасвири масалалар// Педагогика. Илмий-назарий ва методик журнал. –Тошкент: №6, 2017 йил.